Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

N 29 (366) • 2012 йил 24 июль

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯНАДА ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЯНАДА КЕНГ ЭРКИНЛИК БЕРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 29-сон, 328-модда)

Қайд этилсинки, кейинги йилларда Ўзбекистонда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш йўлидан изчил олға силжиш борасида кенг кўламдаги чора-тадбирлар комплекси қабул қилинди.

2011–2015 йиллар даврида Ўзбекистон иқтисодиётида ислоҳотлар миқёсини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурини амалга ошириш доирасида фақатгина сўнгги йилнинг ўзида тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат қилувчи идоралар аралашувини камайтиришга оид аниқ чора-тадбирлар рўёбга чиқарилди.

Тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили қонун даражасида жорий этилди.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, уларни муҳандислик– коммуникация тармоқларига улаш, экспорт товарларини божхонада расмийлаштириш тартиб-таомиллари сезиларли даражада соддалаштирилди ва арзонлаштирилди. Кичик бизнес субъектларида улар рўйхатга олинган пайтдан бошлаб уч йил мобайнида солиққа оид режали текширишлар ўтказилишини тақиқловчи тартиб жорий этилди. Давлат томонидан харид қилишнинг янги янада такомиллаштирилган, очиқ ва ошкора механизми ўрнатилганки, бунда кичик бизнес субъектларига афзаллик берилади. Барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига босқичма-босқич ўтказиш бошланди.

Республика ва минтақалар бўйича **иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш кўламларини, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш даражасини ҳар чоракда баҳолаш кўрсаткичлари тизими жорий этилган.**

Натижада, 2000 йил билан таққослаганда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31 фоиздан 54 фоизгача кўпайди, ушбу соҳада меҳнат билан банд бўлганлар сони шу давр ичида 2 баробардан кўпроқ ошди ва иқтисодиёт тармоқларида меҳнат билан банд бўлганларнинг 75,1 фоизидан кўпроғи унинг улушига тўғри келади. Ҳозирги вақтда ялпи ички маҳсулотнинг 82,5 фоизи, саноат маҳсулотининг 91 фоизи ва қишлоқ хўжалигининг деярли барча маҳсулоти нодавлат секторида ишлаб чиқарилмоқда.

Шу билан бирга, **ишбилармонлик муҳитининг ҳозирги ҳолати, бизнесни юритиш шарт-шароитлари** эркин бозор иқтисодиёти талаблари ва тамойилларига, умумқабул қилинган халқаро меъёр ва стандартларга ҳали тўлиқ даражада мос келаётгани йўқ. Тадбиркорлик фаолиятини ортиқча регламентлар билан чеклаб қўйиш ҳоллари ҳали ҳам бартараф этилмаган, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида катта, серхаражат, ноошкора маъмурий тартиб-таомиллар ҳамон амал қилиб келмоқда, бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам берилмаган.

Ҳозирги халқаро амалиётда қабул қилинганидек, регламентга солувчи тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, арзонлаштириш ва қисқартириш, давлат ва назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бевосита мулоқотсиз электрон шаклларини ҳамма жойда кенг татбиқ этиш талаб қилинади.

Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг барча турларини қисқартириш, соддалаштириш ва очиқ-ойдинлик даражасини ошириш, бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолаш мезонларининг жаҳон амалиётида ҳамма томонидан қабул қилинган тизимини жорий этиш ва шу асосда мамлакатимиз ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини янада ошириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Марказий банки томонидан манфаатдор идоралар ва тузилмалар билан биргаликда Жаҳон банки ҳамда унинг бўлинмаси бўлган Халқаро молия корпорацияси томонидан қабул қилинган «Бизнесни юритиш» ҳисоботини шакллантириш методикасига мувофиқ ишбилармонлик муҳити ҳолатини омиллар асосида таҳлил қилиш ҳамда мамлакат рейтингини белгилаб берадиган баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини татбиқ этиш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

2. Қуйидагилар бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришнинг ғоят муҳим вазифалари этиб белгилансин:

тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, бюрократик ғовларни тугатиб бориш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини, ҳисоб-китоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган

2-бетда

**Ушбу Фармон «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 20 июлдаги 142 (5562)-сонида чоп этилган.*

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИГА ОЙЛИК УСТАМА ҲАҚ БЕЛГИЛАНДИ

Президентнинг 9.07.2012 йилдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-4451-сон Фармони билан 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг лавозим маошларига алоҳида меҳнат шароитлари учун 12 фоиз миқдорида ойлик устама ҳақ белгиланади.

Шунингдек 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб:

Президентнинг 1997 йил 13 майдаги «Давлат хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш тўғрисида» ПФ-1778-сон Фармонининг меҳнат ҳақи бўйича Ягона тариф сеткаси разрядларига мувофиқ рағбатлантириш коэффициенти сифатида маошларга 20 фоизлик устама ҳақ белгиланишини назарда тутувчи 1-бандининг амал қилиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари лавозимларига ҳамда «Маҳалла посбони» раҳбарларига нисбатан жорий этилади;

таркибида маҳаллалар ташкил қилинмаган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг лавозим маошлари меҳнат ҳақи Ягона тариф сеткаси бўйича бир разряд оширилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ЎЗГАРДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 28.06.2012 йилдаги 184-сон қарори билан ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган амалдаги иш ҳақини иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентларини қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур ҳужжат давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган.

Кўрсатиб ўтилган низомлардан «амалдаги иш ҳақи» тушунчаси чиқариб ташланиб, унинг ўрнига «шахснинг пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақи» тушунчаси киритилди.

Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари белгиланган тартибда ўз вақтида тўланган тақдирда иш стажига вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақалар олинган даврлар, хорижда ишланган вақт киритилади. Деҳқон хўжалигидаги меҳнат ва қорамол етиштириш пенсия тайинланиши учун зарур бўлган иш стажида инобатга олиниши учун шундай иш қилинган ҳар бир йил учун Пенсия жамғармасига ЭКИҲнинг камида 4,5 баравари суғурта бадаллари сифатида киритилиши керак.

3-бетда

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
N 29 (366) • 2012 йил 24 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯНАДА ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЯНАДА КЕНГ ЭРКИНЛИК БЕРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1-бетда

қонун ҳужжатларини мукаммаллаштириш эвазига мамлакатда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш учун янада қулайроқ шарт-шароитлар яратиш, хусусий мулкчиликнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ҳиссасини ошириш;

бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолашнинг жаҳон амалиётида умумқабул қилинган халқаро мезонларини кенг жорий этиш ҳамда етакчи халқаро молиявий-иқтисодий ва рейтинг ташкилотларининг юқори баҳо кўрсаткичларига эришиш;

ички бозорда рақобатни янада чуқурлаштириш, мулкчилик ва фаолиятни ташкил қилиш шаклларидан қатъи назар, барча тадбиркорлик субъектлари учун бизнесни юритишда тенг шароитлар яратиш, бозор тамойиллари асосида моддий-хом ашё ва кредит ресурсларидан фойдаланишга, давлат харидларида ҳамда маҳсулотларни сотиш ва пудрат ишларини амалга ошириш борасидаги танлов савдоларида иштирок этишга кенг имкониятлар яратиб бериш;

статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тақдим этишда, солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашда, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишда, ер майдонларини ажратиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишда, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини кредитлашда давлат, назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги бевосита мулоқотни, бюрократик сансалорлик ва коррупцияни истисно этувчи электрон тизимга, шу жумладан Интернет тармоғига кенг миқёсда ўтишни таъминлаш.

3. 2012 йил 1 августдан бошлаб, 1-иловага* мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароитларни янада яхшилашга йўналтирилган аниқ меъёр ва чора-тадбирлар жорий қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси, Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, 1-иловада кўрсатилган масъул ижрочилар – вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари 2012 йилнинг 1 августигача бўлган муддатда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни Фармоннинг ушбу бандига мувофиқ ҳолга келтирсинлар.

4. Қонунчиликни такомиллаштириш ва ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилашга ҳамда тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича 2013–2014 йилларда жорий этиладиган комплекс чора-тадбирлар Дастури 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Масъул ижрочилар – вазирликлар, идоралар, банклар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дастурда назарда тутилган аниқ чора-тадбирларни белгиланган муддатларда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар. Тегишли вазирликлар, идораларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари зиммасига чора-тадбирлар Дастурига киритилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамаси 2-иловада назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши устидан қаттиқ тизимли назорат ўрнатсин, уларнинг ижросини ҳар чоракда ўз мажлисларида кўриб чиқсин ва чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича зарур чораларни кўрсин.

5. 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларида қуйидаги тартиб-таомилларни ўз хоҳишларига кўра электрон шаклда амалга ошириш ҳуқуқига эга бўладилар:

банк ҳисобварақларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими, шу жумладан «Интернет-банкинг» тизими орқали солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, тижорат банклари;

юкларни божхонада расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектлари томонидан товарларни декларация қилиш – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;

«бир ойна» тамойили бўйича юридик шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган эгалик ҳуқуқларини рўйхатга олиш – Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси;

тадбиркорлик субъектларининг даъво аризалари ва илтимосномаларини хўжалик судларига бериш – Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда тадбиркорлик тузилмаларига хизмат кўрсатишнинг электрон шакллари ва тизимларини жорий этишда юқорида кўрсатилган суд ва давлат бошқаруви органларига, тижорат банкларига амалий ёрдам кўрсатсин.

Тижорат банкларига, тўловларни электрон шаклда амалга оширувчи кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларига хизмат кўрсатганлик учун ундириладиган тўлов миқдорини камида 20 фоизга камайтириш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва хусусий тадбиркорлик учун янада кенг эркинлик бериш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан кенг кўламдаги тушунтириш ишлари мунтазам равишда ўтказилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Марказий банки ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2012 йил 18 июль
ПФ-4455-сон.

**1-2-иловалар берилмайди.*

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	20.07.2012	1	0,7857	1	0,9636	1	0,0247
Арманистон	20.07.2012	1	412,12	1	504,11	1	12,89
Беларусь	21.07.2012	1	8280,00	1	10150,00	1	259,00
Грузия	21.07.2012	1	1,659	1	2,0293	1	5,1923
Қозоғистон	21.07.2012	1	149,51	1	183,22	1	4,68
Қирғизистон	21.07.2012	1	47,1543	1	57,7994	1	1,4758
Латвия	23.07.2012	1	0,573	1	0,702804	1	0,018
Литва	23.07.2012	1	2,8164	1	3,4528	10	8,8113
Молдова	20.07.2012	1	12,4056	1	15,2607	1	0,387
Тожикистон	21.07.2012	1	4,7649	1	5,851	1	0,1488
Ўзбекистон	17.07.2012	1	1896,57	1	2323,56	1	58,07
Украина	20.07.2012	100	799,30	100	982,0999	10	2,4919
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246
Россия	21.07.2012	1	31,9509	1	31.9509	-	-

Манба: www.prime-tass.ru

Эълон

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

«Норма маслаҳатчи» ва «Солиқ ва божхона хабарлари» газеталарида қандай мавзулар ёритилишини хоҳлайсиз?

Таклиф ва истакларингизни 283-36-34 телефони орқали билдиришингиз мумкин.

Биз билан бирга бўлганингиздан мамнунмиз.

Таҳририят.

УШБУ СОНДА:

✓ **УСТУВОРЛИКЛАР**

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони

– Валюталар курси *1-2-бетлар*

✓ **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз *1, 3-5-бетлар*

✓ **БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР**

– Кийим ишлаб чиқарувчидан олинадиган солиқлар

– Тайёрлов корхонасида ЯИТни ҳисоблаб чиқариш

– Улуш фарзандга ҳадя қилинганда

– Қўрғонга ўт кетса... *5-7-бетлар*

✓ **ЭКОЛОГИЯ**

– Олов – беаёв ёв

– Муқобил энергия истиқболлари

8-бет

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

Олинган барча мукофот ва тақдирлаш пуллари иш ҳақи билан бирга – улар тайинланган ойда, ходим ишдан бўшаган пайтда тайинланган мукофот ва тақдирлаш пуллари эса ушбу ташкилотда ишланган сўнгги ойда олинган иш ҳақига қўшилиши керак.

Ёшга доир пенсияга чиқишдан олдинги сўнгги 10 йиллик меҳнат фаолиятида I ва II гуруҳ ногиронлиги бўйича пенсияда бўлиш даври ҳам ҳисобга олинади. 16 ёшгача ногирон болани ҳамда ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган 80 ёшдан ошган шахсни парвариш қилиш вақти эса фақатгина 5 йиллик иш стажига ёки ҳарбий хизматга эга бўлгандагина стажга киритилади.

Иш стажи тўлиқ бўлмаганда пенсия миқдори қонун билан белгиланган пенсия миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас. Иш стажини имтиёзли ҳисоблаб чиқариш тартиби барча турдаги давлат пенсиялари учун қўлланилиши керак.

Иш стажини тасдиқлайдиган маълумотларни текширишда архивга ёки ташкилотга борганда Пенсия жамғармаси бўлими ходими икки нусхада далолатнома тузиши керак, улар ушбу ходим имзоси, ташкилот ёки архив мансабдор шахсининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши керак. Пенсия жамғармаси бўлимлари пенсия тайинланиши учун мурожаат қилган ташкилот ва шахслардан тақдим этилаётган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган тақдирда уларни тўлдириб келишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Боқувчисини йўқотганлик муносабати билан бериладиган давлат пенсияларини тайинлаш тартиби ҳам тўлдирилди. Вафот этган боқувчи билан қариндошлик муносабатларини тасдиқловчи ҳужжатларга никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома, никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (у бўлмаган тақдирда – фуқаролик ҳолати далолатномаларидаги ёзувдан кўчирма), ваколатли ташкилотларнинг ёки хорижий давлатлар мансабдор шахсларининг маълумотномаси киради. Энди III гуруҳ ногиронлари вафот этган боқувчи оиласининг меҳнатга лаёқатсиз аъзолари жумласига киритилмайди.

Пенсия тўлаш билан боғлиқ ўзгартиришлар билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича ишлаётган пенсионер ишлайдиган пенсионерлар жумласига кириши белгиланган бўлиб, бундай иш бошланганидан кейин 5 кун ичида иш берувчи Пенсия жамғармаси бўлимига шартнома нусхасини тақдим қилиши керак. Озодликдан маҳрум этиш кўринишидаги жазога маҳкум этилган пенсионерларга пенсия тўланмайди, у озод бўлгандан сўнг мурожаат қилинган пайтдан бошлаб тикланади. Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тўғрисида халқаро шартномалар тузган мамлакатларга доимий яшаш учун кетаётган пенсионерларга пенсия Ўзбекистондаги турар жойидан рўйхатдан чиққан ойнинг охиригача тўланади. Пенсионер қайтиб келганда эса, шунингдек хорижий шахсларга пенсия уни олиш учун мурожаат қилинган пайтдан бошлаб ҳисоблаб чиқарилади.

Пенсионер такрорий тиббий кўрикдан ўтказиш учун келмаган тақдирда, шунингдек пенсия тўғри тўланганлиги текширилиши муносабати билан ногиронлик пенсиясини тўлаш тўхтатиб турилганидан кейин давлат пенсияси I ёки II гуруҳ ногиронлиги белгиланган кундан бошлаб тайинланади.

Пенсионер томонидан пенсия тайинлангунгача эга бўлинган иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги қўшимча ҳужжатларнинг тақдим этилиши муносабати билан пенсияни қайта ҳисоблаб чиқишда қайта ҳисоблаш вақтида амалда бўлган иш стажи ва иш ҳақини аниқлаш тартиби қўлланади, бунда пенсияни қайта ҳисоблаш учун ўртача ойлик иш ҳақи тўланадиган пенсияни тайинлашдан олдинги ишнинг охирги 10 йилидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳужжатда шунингдек бошқа ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам келтирилган.

АВТОТРАНСПОРТДАН ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЯГОНА МАЖБУРИЙ ТАЛАБЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 4.07.2012 йилдаги 191-сон қарори билан «Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида»ги умумий техник регламент *(рус тилида)* тасдиқланди.

Регламент билан фуқаролар ҳаёти ва саломатлиги, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки, давлат мулкини муҳофаза қилиш мақсадида, ишлаб чиқарилган жойидан қатъи назар автотранспорт воситаларидан фойдаланишда уларнинг конструкцияларига қўйиладиган талаблар белгиланган.

ОҚ ЦЕМЕНТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЛОЙИҲАЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Вазирлар Маҳкамасининг 5.07.2012 йилдаги 196-сон қарори билан Иқтисодиёт вазирлиги, Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва «Ўзқурилишматериаллари» АКнинг ҳар йили 350,0 минг тонна оқ цемент (ёки 760,0 минг тонна кулранг цемент) ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Жиззах вилоятида портландцемент ва оқ цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилди.

«Олмалиқ КМК» ОАЖ билан «DAL TEKNIK MAKINA TICARET VE SANAYI A.S.» (Туркия) компанияси ўртасида тўғридан-тўғри музокаралар натижалари бўйича технологик қисмнинг ишчи ҳужжатларини ишлаб чиқиш, асбоб-ускуналарни етказиб бериш ва шеф-монтаж қилиш, фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартлари билан қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш юзасидан контракт тузиш тўғрисидаги битимга эришилди.

Кўрсатиб ўтилган лойиҳани амалга ошириш, кредит маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан масъул бўлган қарз олувчи ва ижро этувчи орган бўлиб «Олмалиқ КМК» ОАЖ ҳисобланади.

Лойиҳани амалга ошириш доирасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Комбинат томонидан импорт қилинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган материаллар, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва уларга эҳтиёт қисмлар, шу жумладан техник ва лойиҳа ҳужжатлари 2014 йил 1 июлгача божхона тўловларидан (божхона йиғимлари бундан мустасно) озод қилинган. «DAL TEKNIK MAKINA TICARET VE SANAYI A.S.» (Туркия) компанияси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ундириладиган фойда солиғи тўлашдан озод қилинди.

СОТИЛМАЙДИГАН МУНИЦИПАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 6.07.2012 йилдаги 199-сон қарори билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг муниципал мулк объектларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинди.

Хусусан, аввалроқ Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига *(9.08.2002 йилдаги 287-сон; 30.08.2009 йилдаги 253-сон; 25.11.2010 йилдаги 262-сон; 18.07.2011 йилдаги 207-сон)* мувофиқ аукционга қўйилган айрим муниципал мулк объектлари очиқ савдолардан олиб ташланди.

Бузилиши ёки давлат ва жамоатчилик эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга бериладиган, шунингдек ижарага ва бошқа самарали фойдаланишга топшириладиган 35 объектдан иборат муниципал мулк объектлари рўйхати тасдиқланди.

Муниципал мулкнинг яна 3 объекти савдоларга қўйилади ва инвестиция мажбуриятлари билан бирга реализация қилинади.

ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА

Вазирлар Маҳкамасининг 6.07.2012 йилдаги 200-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низомга мувофиқ умумий ўрта таълим негизида ўқитиш муддати 3 йил бўлган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими узлуксиз таълим тизимининг мажбурий мустақил тури ҳисобланади ва «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ амалга оширилади.

Низом билан ўқувчиларни академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига қабул қилиш қоидалари белгиланган. Чунончи, ўқувчиларни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул қилиш 9 йиллик умумий ўрта таълим негизида, умумтаълим мактабини тамомлаганлик тўғрисида давлат намунасидаги шаҳодатномалар асосида, уларнинг академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида ўқиш йўналишини ихтиёрий танлашини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Шунингдек ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш тартиби ва унинг мазмуни, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг ташкилий қоидалари ва бир қатор бошқа масалалар белгиланди.

СИФАТГА ВАСИЙЛИК КЕНГАШИ МАСЪУЛ

Вазирлар Маҳкамасининг 6.07.2012 йилдаги 201-сон қарори билан Касб-ҳунар коллежининг Васийлик кенгаши тўғрисидаги намунавий низом тасдиқланди. Васийлик кенгаши ҳар бир касб-ҳунар коллежида, юридик шахс ташкил этмасдан ташкил қилинади ва жамоатчилик асосида ишлайди.

Кенгаш таркибига кириши мумкин бўлган шахслар рўйхати белгиланган бўлиб, уларга маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, вазирликлар, идоралар, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, хайр-эҳсон қилувчилар (ҳомийлар), шунингдек касб-ҳунар коллежи фаолиятини такомиллаштириш ва изчил ривожлантиришдан манфаатдор бўлган бошқа юридик ва жисмоний шахслар киради.

Кенгаш қатнашишнинг ихтиёрийлиги ва Кенгаш аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги тамойиллари асосида ташкил этилади. Кенгашнинг сон таркиби назарда тутилмаган. Касб-ҳунар коллежи директори лавозимига кўра Кенгаш аъзоси ҳисобланади. Касб-ҳунар коллежи директори ёки ходими Кенгаш раиси ёки унинг ўринбосари бўлиб сайлана олмайди.

Кенгаш ўз ишларини ўзи тасдиқлаган режалар асосида ташкил қилади ва ўз мажлисларини, заруриятга кўра, бироқ йил чорагида камида бир марта ўтказади.

Кенгаш ишининг тартиби мустақил равишда қабул қилинадиган регламент билан белгиланади.

ҲАРБИЙ ТИББИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Тиббий хизмат офицерлари тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, Қуролли Кучлар тиббий таркиби ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 10.07.2012 йилдаги 203-сон қарори билан Мудофаа вазирлиги тиббиёт мутахассислари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш маркази ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг ҳарбий кафедраси негизида Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида ҳарбий тиббиёт факультети ташкил этилди.

Белгиланишича, факультет юридик шахс мақомига эга бўлган олий ҳарбий таълим муассасаси ҳисобланади.

Факультетда тиббий хизмат офицерларини тайёрлаш «Ҳарбий тиббиёт» йўналиши бўйича амалга оширилади. Ўқитиш муддати – 2 йил. Республика олий тиббий таълим муассасаларининг «Даволаш иши» йўналиши бўйича ўқишнинг бешинчи курсини битирган, танлов асосида ҳарбий-касбий танлаб олишдан ўтган ва факультетга қабул қилинган талабаларга Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаси курсанти мақоми берилади. Факультет битирувчиларига олий таълим тўғрисидаги диплом ва «ҳарбий врач» малакаси берилади.

4-бетда

Календарь ҳисоби бўйича камида 10 йил

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
N 29 (366) • 2012 йил 24 июль

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

3-бетда

хизмат қилган факультет битирувчиларига хизматдан бўшатилиш чоғида олий таълим муассасасидаги ўқиган вақти (факультетга қабул қилингунгача) ўқишнинг бир ойини хизматнинг бир ойига ҳисоблаган ҳолда ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатига қўшилади.

Факультет қуйидаги манзилда жойлашади: Тошкент ш., Зиёлилар кўч., 4-уй.

ДОВОНДА ЮК ТАШИШЛАР НАЗОРАТИ КУЧАЙТИРИЛДИ

Юк автотранспорт воситаларининг ҳаракати устидан назоратни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 10.07.2012 йилдаги 204-сон қарори билан Тошкент ва Наманган вилоятларининг тоғли туманларида Қамчиқ довони орқали юк автотранспортида юк ташишларни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинди.

Қарорга биноан Қамчиқ довони орқали қуйидаги юк автотранспортида юкларни ташиш:

25 йил ва ундан кўп фойдаланилган юк транспортида – 2012 йил 1 октябрдан бошлаб;

20 йил ва ундан кўп фойдаланилган юк транспортида – 2014 йил 1 июлдан бошлаб;

15 йил ва ундан кўп фойдаланилган юк транспортида – 2014 йил 1 июлдан бошлаб тақиқланади.

2013 йилнинг охиригача «Андижон-Ўш орқали М-39-Гулистон-Бўка-Ангрен-Қўқон автойўли» А-373-автомобиль йўлининг 185 ва 273-километрларида назорат пунктларини қуриш ва уларни оғирлик ва габарит параметрларини текшириш бўйича технологик асбоб-ускуна билан жиҳозлаш режалаштирилган.

ВАСИЙЛИК КЕНГАШИ – МАКТАБНИ БОШҚАРИШНИНГ ЯНГИ ЖАМОАТЧИЛИК ШАКЛИ

Халқ таълими вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 3.07.2012 йилда 2377-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Халқ таълими муассасасининг Васийлик кенгаши тўғрисидаги намунавий низом тасдиқланди.

Мазкур Низом давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган халқ таълими муассасаларига (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқари таълим) нисбатан татбиқ этилади.

Низомга мувофиқ таълим муассасаси раҳбарияти Васийлик кенгашини ташкил этиш бўйича йиғилиш ўтказилишидан 10 кун олдин йиғилиш ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида эълон қилиши керак. Мазкур йиғилишда овоз бериш ҳуқуқи билан ўқувчилар (тарбияланувчилар) ота-оналари (қонуний вакиллари) ҳам иштирок этадилар.

Таълим муассасаси раҳбарияти ва бошқа ходимлари (синф раҳбарлари, ўқитувчилар, тарбиячи, тарбиячи-ёрдамчилар ва тўгарак раҳбарлари) ўқувчилар (тарбияланувчилар) ва уларнинг ота-оналари (қонуний вакиллари)дан турли хил сабаблар билан пул маблағларини йиғсалар, ота-оналар оғзаки ёки ёзма равишда Кенгашга мурожаат қилишлари мумкин. Бундай ҳолатлар Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларининг раҳбар ходимлари иштирокида муҳокама этилади ҳамда айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чоралари кўрилади.

2012 йил 13 июлдан кучга кирди.

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ КЕНГАЙДИ

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарори *(АВ томонидан 6.07.2012 йилда 1573-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятида ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилди.

Уларга мувофиқ, назорат қилувчи органлар режали текширув ўтказилиши бошланиши ҳақида тадбиркорлик субъектини текширув ўтказиш бошланишидан камида 30 календарь кун олдин ёзма равишда текширув ўтказиш муддатлари ва предметини кўрсатган ҳолда хабардор қилиши керак.

Текширувлар режа-жадвали лойиҳаси, тадбиркорлик субъектларининг режадан ташқари текширувини ўтказиш учун талабнома, шунингдек ўтказилган текширувлар тўғрисида маълумотларни нафақат назорат қилувчи орган раҳбари, балки унинг ўринбосари ҳам имзолаш ҳуқуқига эга.

Республика санитария-эпидемиология назорати маркази ёки унинг ҳудудий марказлари тегишли буйруқларга мувофиқ ҳамда Кенгаш билан қўшимча келишувсиз сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган, истеъмолчиларни водопровод суви билан таъминлайдиган, оқава сувларни чиқариб ташлайдиган хўжалик юритувчи субъектларда намуналар танлаб олиш йўли билан сут ва сут маҳсулотлари, водопровод суви ва оқава сувларни ҳар ойда лабораторияларда тадқиқ этишни амалга ошириш, шунингдек ун ва ош тузи ишлаб чиқарадиган корхоналарда I навли буғдой уни ва ош тузини намуналар танлаб олиш йўли билан бир чоракда кўпи билан бир марта лабораторияларда таҳлил қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бундан ташқари, улар 6 ойда кўпи билан бир маротаба мавжуд қонунларга кўра тиббий кўрикдан ўтиши керак бўлган савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларида тиббий шаҳодатланиш дафтарчаларининг мавжудлигини мониторингдан ўтказадилар.

Текширувларни мувофиқлаштириш тартибини такомиллаштириш мақсадида ҳар йилги режа-жадвалларни ишлаб чиқиш муддати 1 ойга қисқартирилди. Чунончи, агар олдин Кенгаш кейинги йил учун текширишларни мувофиқлаштириш режа-жадвалини текшириш режалаштирилаётган йилдан олдинги йилнинг 20 декабрига қадар тасдиқлаб келган бўлса, энди у 20 ноябрга қадар тасдиқланиши керак. Тегишинча, назорат қилувчи органнинг марказий аппарати томонидан келгуси йил учун тасдиқланган режа-жадвалдан кўчирмаларни текшириш режалаштирилаётган йилдан олдинги йилнинг 25 декабрига қадар эмас, балки 25 ноябрга қадар вилоят ва туман бўлимларига етказилиши керак.

2012 йил 16 июлдан кучга кирди.

«АНГРЕН» МИЗ РИВОЖИ УЧУН МАХСУС ҚОИДАЛАР

Президентнинг 4.06.2012 йилдаги ПҚ-1769-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.12.2011 йилдаги «Ижтимоий ва фуқаро объектларини лойиҳалаш ва қуришда тегишли тартиб ўрнатиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-1666-сон қарорига қўшимча киритилди. Қўшимчага биноан, қурилиши ва реконструкция қилиниши Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати даражасида тасдиқланиши лозим бўлган объектларнинг манзилли рўйхатларини тасдиқлаш бўйича Ҳукумат комиссиясининг ҳаракатлари «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида амалга оширилаётган фаолиятга дахлдор эмас.

Президентнинг 4.08.2011 йилдаги «2011–2015 йилларда Ангрен саноат зонаси ишлаб чиқариш имкониятларини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳалар амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳни ташкил этиш тўғрисида» Ф-3689-сон Фармойиши ўз кучини йўқотган деб топилди.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИГА 12 ТА ЯНГИ ЛОЙИҲА ҚЎШИЛДИ

Экспорт қилишга мўлжалланган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни янада рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 22.06.2012 йилдаги 180-сон қарори билан Саноат кооперацияси асосида 2011–2013 йил учун тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш дастурига тузатишлар киритилди. Улар билан Маҳаллийлаштириш дастурига кўрсатиб ўтилган даврда тайёр маҳсулот турлари, хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг янги лойиҳаларини киритиш назарда тутилган.

Маҳаллийлаштириш лойиҳаларига киритилган янги корхоналарга Президентнинг 27.01.2009 йилдаги ПҚ-1048-сон қарори билан назарда тутилган имтиёзлар божхона тўловлари бўйича – мазкур қарор қабул қилинган санадан, яъни 2012 йил 22 июндан бошлаб, маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот қисмида – фойда солиғи, ягона солиқ тўлови (соддалаштирилган солиқ солиш тизимини қўллайдиган хўжалик юритувчи субъектлар учун) бўйича ҳамда маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари қисмида – мол-мулк солиғи бўйича эса – 2012 йил 1 июлдан бошлаб қўлланилади.

ДАЛА УСТАМАСИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТАСДИҚЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2.07.2012 йилдаги 190-сон қарори билан Дала шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга дала устамаси тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Дала шароитларида геология-қидирув, топография-геодезия, лойиҳа-изланиш, илмий-тадқиқот ишларини ҳамда бошқа ишларни бажарадиган ташкилотлар (корхоналар) ходимларига дала устамаси тўланади. Ўз ходимларига дала устамаси тўлаш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар рўйхати мансублиги бўйича вазирликлар ва идоралар томонидан, вазирликлар ва идоралар таркибига кирмайдиган ташкилотлар (корхоналар) томонидан эса – мустақил равишда (Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда) тасдиқланади.



Қуйидаги ходимлар дала устамаси олиш ҳуқуқига эга:

а) дала шароитларида ишловчилар ва дала ишлари амалга оширилаётган жойларда яшовчилар;

б) геология-қидирув, топография-геодезия, лойиҳа-изланиш ва бошқа ташкилотлар (корхоналар)га бевосита уларнинг базавий дала шаҳарчаларида хизмат кўрсатиш учун махсус ташкил этилган мактаблар, тиббиёт, маданий-маърифий, мактабгача таълим муассасалари ва бошқа ёрдамчи бўлинмалар ходимлари.

Дала устамаси:

а) ҳар куни доимий яшаш жойига қайтиб келиш имкониятига эга бўлган барча тоифадаги ходимларга;

б) ҳар йилги меҳнат таътилида бўлинган вақт учун тўланмайди.

Ходим дала ишлари олиб борилаётган жойда ёки

базавий дала шаҳарчасида бўлиши шарти билан унга вақтинчалик ишга лаёқатсиз бўлган даврда ёхуд давлат ёки жамоат вазифаларини бажариш вақтида дала устамаси тўланиши сақланиб қолади.

Ходим хизмат сафарига юборилганда дала устамаси тўлаш тўхтатилиб, харажатлар ўрни хизмат сафарлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланади.

Дала устамаси дала ишлари амалга оширилаётган жойда ҳақиқатда бўлинган календарь кунлар учун, эгаллаб турган лавозими ва ойлик маошидан қатъи назар, дала устамаси ҳисоблаб ёзиладиган санада республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан миқдорларда (коэффициентларда), бироқ ҳар ойда ЭКИҲнинг 3 бараваридан ортиқ бўлмаган ҳолда қуйидаги миқдорларда тўланади:

а) кунига 0,15 – дала шароитларида бевосита дала ишлари амалга ошириладиган объектларда ишлаганда;

б) кунига 0,03 – ташкилотлар (корхоналар)нинг базавий дала шаҳарчаларида ишлаганда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган миқдорлардаги дала устамаси Солиқ кодексига мувофиқ ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблашда ҳисобга олинмайди ва ходимнинг даромади сифатида ҳисобланмайди.

Ташкилотлар (корхоналар)нинг жамоа шартномаларида, жамоа келишувларида ва меҳнат шартномаларида дала устамаси белгиланган миқдорлардан ортиқ миқдорда назарда тутилиши мумкин, бироқ у ташкилот (корхона)ларнинг ўз маблағлари ҳисобидан тўланади. Нормалардан ортиқ миқдорда тўланадиган дала устамаси Солиқ кодексига мувофиқ жисмоний шахсларнинг даромадлари деб ҳисобланади ва улардан солиқ олинади.

КЛАССИФИКАТОР 70 НОМЛАНИШ БИЛАН ТЎЛДИРИЛДИ

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 3.07.2012 йилда 2376-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Хизматчиларининг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Классификатор 70 номланиш билан тўлдирилиб, улар орасида саноат альпинисти, дезактиваторчи, клипмейкер ва бошқалар мавжуд.

14 номланишдаги хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касбларига ўзгартириш киритилди. Бир қатор лавозим ва касбларнинг маълумот даражасига қўйилган талаблар ўзгарди.

Классификатордан қуйидаги лавозим номланишлари чиқариб ташланди:

Бош давлат солиқ бошқармаси бошлиғи;

Бош давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари;

Бош давлат солиқ бошқармаси (инспекцияси) бошлиғининг ўринбосари;

муҳандис-технолог;

меҳнатни нормалаштириш ва ташкил қилиш муҳандиси;

оптик ишлаб чиқариш ускунаси созловчиси.

Лавозим ва касблар айрим кодларининг ўрни ўзгарди. Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ ҳаммом ходими, буфетчи ва бир қатор бошқа лавозимлар касб сифатида эътироф этилди.

2012 йил 13 июлдан кучга кирди.

Ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юристларимиз Римма СОЛОДОВНИКОВА, Елена ЕРМОХИНА, Абдураҳмон БАХТИЕВ ва Сардор ДЖУМАШОВ тайёрладилар.

КИЙИМ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР

ЁКИ ТРИКОТАЖ БУЮМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИГА СОЛИҚ СОЛИШ

ЯСТ тўловчиси бўлган корхонамизда (ХХТУТ бўйича коди – 17151) трикотаж буюмлари (болалар футболкалари, пижамалари ва спорт кийимлари, аёллар кийимлари, эркаклар футболкалари ва бошқа нарсалар) ишлаб чиқарилади. Қуйидаги саволларимизга жавоб берсангиз.

1. Бизга солиқ соҳасида бирон-бир имтиёз назарда тутилганми?

2. Агар имтиёз ҳуқуқига эга бўлсак, бошқа фаолият турлари (масалан, асосий воситаларни ижарага бериш, уларни реализация қилиш ва бошқалар) амалга оширилганда ҳам бу имтиёздан фойдаланишимиз мумкинми?

3. 2012 йил 1 январдан бошлаб саноат маҳсулотини ишлаб чиқарувчи ЯСТ тўловчиларига белгиланган 5 фоизлик ставка юқорида келтирилган бошқа фаолият турлари амалга оширилганда ҳам қўлланиладими?

4. 2012 йилда ўзи ишлаб чиқарган товарлар экспортининг (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги улуши сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан кўп миқдорларни ташкил этадиган корхоналар учун белгиланган ставка 50% га пасайтирилиши тарзидаги имтиёз юқорида келтирилган бошқа фаолият турларига ҳам тегишлими?

К.Юлдашев.

– **1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2009 йилдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1050-сон қарорига 2-иловага мувофиқ 2014 йил 1 январгача бўлган даврда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга қуйидаги кўринишда солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялари берилган:

микрофирмалар ва кичик корхоналар учун фойда солиғи ва мол-мулк солиғи, ягона солиқ тўловлари, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё ҳамда материалларни божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этиш;

Ҳукуматнинг тасдиқланган рўйхатига киритилмаган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ўзи учун ишлаб чиқаришда зарур бўлган хом ашё, материаллар ва фурнитураларни импорт қилишда божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб, божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 60 кунгача бўлган муддатга узайтириш.

Мазкур имтиёзларни қўллаш тартиби Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида низом *(АВ томонидан 31.03.2009 йилда 1932-сон билан рўйхатдан ўтказилган, кейинги ўринларда 1932-сон Низом)* билан белгиланган. Имтиёзлар 1932-сон Низомнинг 1-иловасида кўрсатилган рўйхатдаги товар гуруҳлари бўйича, имтиёз берилган ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ҳажми умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 60 фоизини ташкил этадиган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга берилади.

Бунда мазкур рўйхатда V гуруҳ «Тайёр тикувчилик буюмлари» келтирилган. Уларга қуйидагилар киради:

Болалар ва ўсмирлар кўйлаги
Қиз болалар ва ўсмирлар кўйлаги
Болалар ва ўсмирлар костюми, пиджаги ва шимлари
Болалар ва ўсмирлар курткалари
Болалар ва ўсмирлар пальтолари
Блузкалар ва кофталар
Юбкалар
Аёллар кўйлаги
Аёллар плашлари
Эркаклар плашлари
Аёллар ва эркаклар костюмлари
Эркаклар кўйлаги
Курткалар
Аёллар ва эркаклар шимлари
Аёллар пальтоси
Эркаклар пальтоси
Чақалоқлар учун кийимлар
Мактаб формаси

Трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш тикувчилик саноатига кирмайди. Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги тармоқларининг умумдавлат таснифномасида (ХХТУТ) трикотаж саноати «Тўқимачилик саноати» гуруҳига киритилган, тикувчилик саноати эса алоҳида ажратиб кўрсатилган. Трикотаж ва тикувчилик буюмларини тайёрлашда ишлаб чиқаришнинг турли технологияларидан фойдаланилади, хусусан: бошланғич полотно (материал), буюмларни бичиш технологияси, буюмлар деталларига ишлов бериш ва уларни бахялаш учун тикувчилик ускуналари ва ҳоказолар. Рўйхатда «тайёр тикувчилик буюмлари» алоҳида кўрсатилганлигини ҳисобга олганда, бизнингча, сиз юқорида кўрсатилган имтиёзларни қўллаш ҳуқуқига эга эмассиз.

2. Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга берилган солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялари фақат асосий фаолият турига татбиқ этилади, корхона томонидан бошқа фаолият турлари амалга оширилганда бу имтиёздан фойдаланилмайди.

3. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, солиқ солиш мақсадида «фаолият тури» ва «бошқа даромадлар» тушунчалари фарқланади.

Корхонанинг фаолияти одатда товарлар ишлаб чиқариш, реализация қилиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишдан мунтазам фойда олишга йўналтирилган бўлади. ЯСТ тўловчилари корхонанинг асосий фаолият турини аниқлашлари керак. Солиқ кодексининг *(СК)* 22-моддасига мувофиқ асосий фаолият тури – ҳисобот даври якунлари бўйича умумий реализация қилиш ҳажмидаги тушум улуши устунлик қиладиган фаолият ҳисобланади.

Бошқа даромадлар эса корхонанинг товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғланмаган даромадларидир. Улар СКнинг 132-моддасида белгиланган.

Турли солиқ солиш объектлари ва (ёки) ЯСТ ставкалари белгиланган бир неча фаолият турлари билан шуғулланадиган ЯСТ тўловчилари СКнинг 353-моддасига мувофиқ шу фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда корхоналарнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича ЯСТ тўлашлари керак. **Бошқа даромадларга эса корхонанинг асосий фаолият тури учун белгиланган ставка бўйича солиқ солинади.**

Демак, 2012 йил 1 январдан бошлаб саноат маҳсулотини ишлаб чиқарувчи ЯСТ тўловчиларига белгиланган 5 фоизлик ставка, улардаги асосий фаолият тури саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришни ташкил этса, унда бошқа фаолият турлари (масалан, асосий воситаларни ижарага бериш, уларни реализация қилиш ва бошқалар) амалга оширилганда ҳам ўша ставка қўлланилади.

4. Президентнинг 30.12.2011 йилдаги ПҚ-1675-сон қарори билан 2012 йил учун ўзи ишлаб чиқарган товарлар экспортининг (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги улушни сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан кўп миқдорларни ташкил этадиган корхоналар учун белгиланган ставка 50% га пасайтирилиши тарзидаги белгиланган имтиёз фақат асосий фаолият турига татбиқ этилади, корхона томонидан бошқа фаолият турларига амалга оширилганда бу имтиёздан фойдаланилмайди.

Жавобни экспертимиз Ғуломжон ТЎЛАГАНОВ тайёрлади.

ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАСИДА ЯИТни ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ

ЁКИ АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ТУРИ ЧАКАНА САВДО, УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ВА ҚУРИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТМАГАН КОРХОНАДА ЯИТнинг ҲИСОБ-КИТОБИ

Тайёрлов корхонамизда юзага келган баҳс-мунозараларнинг ечимини ҳал қилиш мақсадида сиздан 2012 йил 1 июль ҳолатига ходимларимизнинг ҳар бирига ҳисобланган иш ҳақи ва уларнинг ишланган кунлари тўғрисидаги қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, унинг қандай ҳисобланиши, ДСИга тақдим этиладиган Ягона ижтимоий тўлов ҳисоб-китоби (микрофирма ва кичик корхоналар учун) ва унинг 2-иловаси Маълумотнома-ЯИТнинг энг кам миқдори ҳисоб-китоби (микрофирма ва кичик корхоналар учун ЯИТ ҳисоб-китобига илова қилинади) қандай тўлдирилишини тушунтириб беришингизни илтимос қиламиз:

Т/р	Ходимларнинг лавозимлари	Январь		Февраль		Март	
		Ҳисобланган иш ҳақи (минг сўм)	Ҳақиқатда ишланган кунлар сони	Ҳисобланган иш ҳақи (минг сўм)	Ҳақиқатда ишланган кунлар сони	Ҳисобланган иш ҳақи (минг сўм)	Ҳақиқатда ишланган кунлар сони
1	Директор	180,0	25	180,0	24	180,0	25
2	Бош бухгалтер	170,0	25	170,0	24	170,0	25
3	Кассир	160,0	25	160,0	24	160,0	25
4	Омбор мудири	160,0	25	160,0	24	160,0	25
5	Ишчи	160,0	25	160,0	24	160,0	25
6	Мутахассис	160,0	25	160,0	24	160,0	25
	Жами:	990,0	150	990,0	144	990,0	150

Т/р	Ходимларнинг лавозимлари	Апрель		Май		Июнь	
		Ҳисобланган иш ҳақи (минг сўм)	Ҳақиқатда ишланган кунлар сони	Ҳисобланган иш ҳақи (минг сўм)	Ҳақиқатда ишланган кунлар сони	Ҳисобланган иш ҳақи (минг сўм)	Ҳақиқатда ишланган кунлар сони
1	Директор	180,0	25	180,0	26	180,0	26
2	Бош бухгалтер	170,0	25	170,0	26	170,0	26
3	Кассир	160,0	25	160,0	26	160,0	26
4	Омбор мудири	160,0	25	160,0	26	160,0	26
5	Ишчи	160,0	25	160,0	26	160,0	26
6	Мутахассис	160,0	25	160,0	26	160,0	26
	Жами:	990,0	150	990,0	156	990,0	156

Корхонада 6 кунлик иш ҳафтаси белгиланган бўлиб, ЯИТни тўлашдан озод қилиш ёки унинг ставкасини пасайтириш тарзидаги имтиёзлар қўлланилмайди.

Ш.Ҳасанов,
«Хисорсой тери» тайёрлов корхонаси бош бухгалтери.
Сурхондарё вилояти.

– Маълумки, ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш тўловчилар томонидан ҳар ойда солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Корхонангизда ҳисобот чорагининг якунлари бўйича асосий фаолият тури чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилишни ташкил этмас экан, сиз ягона ижтимоий тўловни Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга *(АВ томонидан 13.04.2010 йилда 2095-сон билан рўйхатдан ўтказилган, кейинги ўринларда 2095-сон Низом)* мувофиқ ҳисоб-китоб қилишингиз лозим бўлади. 2095-сон Низом қоидалари қуйидагиларга татбиқ этилмайди:

қонун ҳужжатларига мувофиқ ягона ижтимоий тўловнинг пасайтирилган ставкаси белгиланган юридик шахсларга;

нотижорат ташкилотларига, шу жумладан, бюджет ташкилотларига;

ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари белгиланган чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш соҳасидаги ташкилотларга.

Келтирган маълумотларингизда ягона ижтимоий тўловнинг 25%* ставкада ҳақиқатда ҳисоблаб чиқарилган суммаси 2012 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги ҳар бир ойда – 247 500 сўмни ташкил этиб, 1-чорак учун – 742 500 сўмни, 2-чорак учун – 742 500 сўмни, биринчи ярим йил учун жами – 1 485 000 сўмни ташкил этади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг иш вақти ҳисоб-китобига мувофиқ, 6 кунлик иш ҳафтасидаги иш кунлари сони 2012 йил январда 26 кунни, февралда – 25 кунни, мартда – 25 кунни, апрелда – 25 кунни, майда – 26 кунни, июнда – 26 кунни ташкил этади.

2095-сон Низомга асосан, ЯИТнинг энг кам миқдори суммаси ойлар кесимида ҳисоблаб чиқарилганда қуйидагилар ҳосил бўлади:

*Январда – 363 000 сўм (150 / 26 х 62 920** сўм);*
Февралда – 362 419,2 сўм (144 / 25 х 62 920 сўм);
Мартда – 377 520 сўм (150 / 25 х 62 920 сўм);
Апрелда – 377 520 сўм (150 / 25 х 62 920 сўм);
Майда – 377 520 сўм (156 / 26 х 62 920 сўм);
Июнда – 377 520 сўм (156 / 26 х 62 920 сўм).

Яъни 1-чорак учун – 1 102 939,2 сўм, 2-чорак учун – 1 132 560 сўм, биринчи ярим йил учун жами – 2 235 499,2 сўмдир.

**2012 йил учун ЯИТнинг ставкаси 25% этиб белгиланган (Президентнинг 30.12.2011 йилдаги ПҚ-1675-сон қарорига 25-илова).*

***2011 йил 1 декабрдан бошлаб энг кам ойлик иш ҳақи миқдори бир ойга 62 920 сўм миқдорида белгиланган (Президентнинг 03.11.2011 йилдаги ПФ-4377-сон Фармонининг 2-банди).*

УЛУШ ФАРЗАНДГА ҲАДЯ ҚИЛИНГАНДА

ЁКИ ҲАДЯ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ТЕКИН ОЛИНГАН УЛУШЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШ

Бизнинг корхона ягона солиқ тўлови тўловчиси сифатида солиқ тўловларини амалга ошириб келади. Бугунги кунда таъсисчилар умумий йиғилишининг қарорига асосан ихтиёрийлик асосида корхонани тугатишга қарор қилдик. Қуйидаги саволимизга жавоб берсангиз.

Таъсисчи ўз ўғлининг фойдасига корхонадаги улушини ҳадя шартномаси бўйича беғараз тарзда воз кечса, унга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадими ёки йўқми?

Тановар Охунжонова,
корхона директори.
Тошкент шаҳри.

– Солиқ кодекси *(СК)* 178-моддасининг 7-бандига мувофиқ, жисмоний шахслардан текин (шу жумладан ҳадя шартномалари бўйича) олинган мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар қиймати жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари жумласига киради.

Бироқ, СК 179-моддасининг 32-бандига киритилган ўзгартиришга асосан 2012 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахслардан текин (шу жумладан ҳадя шартномаси бўйича) олинган улушлар, пайлар ва акциялар тарзидаги даромадларга, агар мазкур улушлар, пайлар ва акцияларни бериш яқин қариндошлар ўртасида амалга оширилса, уларга **жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди.**

Демак, сиз ихтиёрийлик асосида корхонани тугатар экансиз, таъсисчи – жисмоний шахс ўзининг яқин қариндошига ҳадя шартномаси бўйича улушини беғараз тарзда воз кечса, унга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди.

Эълон

БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

уяли телефондан +99871
стационар телефондан 8371
200-00-59

Солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларингизга телефон орқали жавоб берамиз.
Соат 10.00 дан 12.00 гача

Хизматлар бепул

Реклама

«HOMBUR-AUDIT» МЧЖ
ЎзР МВнинг 25.10.2009 йилдаги 00614-сон лицензияси
давлат улуши 50% бўлган барча хўжалик юритувчи субъектларда Миллий ва Халқаро аудит стандартларига мувофиқ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИ
Барча малакали хизматларни кўрсатамиз
Аудиторлик компанияси 5 та CAP халқаро сертификати, шу жумладан солиқ маслаҳатчиларига эга
Манзил: Қарши ш., Ўзбекистон кўч., 49
Тел.: (8 375) 221 0586, (+99875) 112 0571
Филиаллар:
Нукус ш., А.Темур кўч., 120
Тел.: (8361) 222 7803, (+99861) 354 7571
Қумқўрғон ш., А.Навоий кўч., 28
Тел.: (+99876) 399 5330, 243 3560

Жавобларни экспертимиз Ғуломжон ТЎЛАГАНОВ тайёрлади.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, 2095-сон Низомга асосан, агар Солиқ кодексига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган ЯИТ суммаси (белгиланган ставка бўйича) ЯИТнинг энг кам миқдоридан кам бўлса, у ҳолда тўланиши лозим бўлган ягона ижтимоий тўлов ЯИТнинг энг кам миқдори суммасига тенг бўлади.

Демак, сизнинг ҳолатингизда 25% ставкада ҳисоблаб чиқарилган ягона ижтимоий тўлов суммаси ЯИТнинг энг кам миқдори суммасидан кам, шунга мувофиқ, тўланиши лозим бўлган сумма 1-чорак учун – 1 102 939,2 сўмни, 2-чорак учун – 1 132 560 сўмни, биринчи ярим йил учун жами – 2 235 499,2 сўмни ташкил этади.

Шу тариқа, сиз томонингиздан ДСИга 2012 йил 1 июль ҳолатига тақдим этиладиган Ягона ижтимоий тўлов ҳисоб-китоби (микрофирма ва кичик корхоналар учун) ва унинг 2-иловаси Маълумотнома-ЯИТнинг энг кам миқдори ҳисоб-китоби (микрофирма ва кичик корхоналар учун ЯИТ ҳисоб-китобига илова қилинади) қуйидаги тартибда тўлдирилади:

Ягона ижтимоий тўлов ҳисоб-китоби
(микрофирма ва кичик корхоналар учун)

Кўрсаткичлар	*Сатр коди*	*Сумма*		
1	*2*	*3*	*4*	*5*
Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар *(Солиқ кодексининг 172-моддаси)*	010	5 940 000		
ЯИТ ҳисобланмайдиган тўлов турлари *(ЯИТ ҳисоб-китобига 3-илованинг 010-сатри)*	020	0		
Солиқ солинадиган база: *(010-сатр – 020-сатр)*	030	5 940 000		
чоракнинг биринчи ойи охирига	0301	3 960 000		
чоракнинг иккинчи ойи охирига	0302	4 950 000		
чоракнинг учинчи ойи охирига	0303	5 940 000		
ЯИТ ставкаси, %	040	25		
Ҳисобланган ЯИТ суммаси *(030-сатр х 040-сатр)*, шу жумладан:	050	1 485 000		
чоракнинг биринчи ойи охирига	0501	990 000		
чоракнинг иккинчи ойи охирига	0502	1 237 500		
чоракнинг учинчи ойи охирига	0503	1 485 000		
Ҳисобот даври учун ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси *(ЯИТ ҳисоб-китобига 2-илованинг 090-сатри)*, шу жумладан:	060	750 499,2		
чоракнинг биринчи ойи учун *(ЯИТ ҳисоб-китобига 2-илованинг 0901-сатри)*	0601	490 459,2	X	
чоракнинг иккинчи ойи учун *(ЯИТ ҳисоб-китобига 2-илованинг 0902-сатри)*	0602	620 479,2	X	
чоракнинг учинчи ойи учун *(ЯИТ ҳисоб-китобига 2-илованинг 0903-сатри)*	0603	750 499,2	X	
Ҳисобот даврида тўланиши лозим, шу жумладан:	070	2 235 499,2		
чоракнинг биринчи ойи учун *(0501-сатр + 0601-сатр)*	0701	1 480 459,2		
чоракнинг иккинчи ойи учун *(0502-сатр + 0602-сатр)*	0702	1 857 979,2		
чоракнинг учинчи ойи учун *(0503-сатр + 0603-сатр)*	0703	2 235 499,2		

Маълумотнома-ЯИТнинг энг кам миқдори
ҲИСОБ-КИТОБИ
(микрофирма ва кичик корхоналар учун
ЯИТ ҳисоб-китобига илова қилинади)

Кўрсаткичлар	*Сатр коди*	*Сумма*
1	*2*	*3*
ЯИТнинг энг кам миқдорини ҳисоб-китоб қилишда ҳисобга олинадиган ходимлар сони	010	X
чоракнинг биринчи ойи учун	0101	6
чоракнинг иккинчи ойи учун	0102	6
чоракнинг учинчи ойи учун	0103	6
Барча ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунлари:	020	X
чоракнинг биринчи ойи учун	0201	150
чоракнинг иккинчи ойи учун	0202	156
чоракнинг учинчи ойи учун	0203	156
Ҳисобот даврида иш кунлари сони:	030	X
чоракнинг биринчи ойи учун	0301	25
чоракнинг иккинчи ойи учун	0302	26
чоракнинг учинчи ойи учун	0303	26
ЯИТ нормативи:	040	X
чоракнинг биринчи ойи учун	0401	62 920
чоракнинг иккинчи ойи учун	0402	62 920
чоракнинг учинчи ойи учун	0403	62 920
ЯИТнинг энг кам миқдори (0501-сатр + 0502-сатр + 0503-сатр):	050	1 132 560
чоракнинг биринчи ойи учун (0201-сатр / 0301-сатр х 0401-сатр)	0501	377 520
чоракнинг иккинчи ойи учун (0202-сатр / 0302-сатр х 0402-сатр)	0502	377 520
чоракнинг учинчи ойи учун (0203-сатр / 0303-сатр х 0403-сатр)	0503	377 520
Ҳисобот даврида ЯИТнинг ҳисобланган суммаси, шу жумладан:	060	742 500
чоракнинг биринчи ойи учун (ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 0501-сатри – аввалги ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 050-сатри)	0601	247 500
чоракнинг иккинчи ойи учун (ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 0502-сатри – ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 0501-сатри)	0602	247 500
чоракнинг учинчи ойи учун (ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 0503-сатри – ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 0502-сатри)	0603	247 500
Ҳисобот даври учун ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (0701-сатр + 0702-сатр + 0703-сатр)	070	390 060
чоракнинг биринчи ойи учун (0501-сатр – 0601-сатр)	0701	130 020
чоракнинг иккинчи ойи учун (0502-сатр – 0602-сатр)	0702	130 020
чоракнинг учинчи ойи учун (0503-сатр – 0603-сатр)	0703	130 020
Аввалги ҳисобот даври охирига ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (аввалги Маълумотнома-ҳисоб-китобнинг 090-сатри)	080	360 439,2
Ҳисобот даври охирига ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси, шу жумладан (070-сатр + 080-сатр)	090	750 499,2
биринчи ой охирига (0701-сатр + 080-сатр)	0901	490 459,2
иккинчи ой охирига (0702-сатр + 0901-сатр)	0902	620 479,2
учинчи ой охирига (0703-сатр + 0902-сатр)	0903	750 499,2

ҚЎРҒОНГА ЎТ КЕТСА...

ЁКИ ШИКАСТЛАНГАН АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ОБЪЕКТЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАРНИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА АКС ЭТТИРИШ

Корхонамизда ёнғин натижасида асосий воситаларнинг алоҳида объектлари шикастланди. Ёнғинда айбдор саналган моддий жавобгар шахслар аниқланмади. Асосий воситаларни таъмирлаш учун корхона ихтисослаштирилган ташкилот билан шартнома тузиб, унга бўнак ўтказди. Таъмирлаш қиймати 864 минг сўмни, жумладан ҚҚС 144 минг сўмни ташкил қилди.

Ёнғин натижасида шикастланган асосий воситалар объектларини таъмирлаш бўйича харажатлар бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилади?

Салоҳиддин Бурҳонов,
корхона бухгалтери.
Бўстонлиқ тумани.

– Фавқулодда ҳодисалар, ёнғин, ҳалокатлар содир бўлган ҳолларда корхона 19-сон БҲМС «Инвентаризацияни ўтказиш ва ташкил этиш» *(АВ томонидан 02.11.1999 йилда 833-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* қоидаларига амал қилиши лозим. Ушбу ҳужжатнинг 1.5-бандига кўра, ёнғин ҳолатларида мол-мулкнинг инвентаризациядан ўтказилиши мажбурий бўлиб, бунда мол-мулкнинг мавжудлиги, унинг ҳолати ва баҳоси текширилади ва ҳужжат билан тасдиқланади. Инвентаризация натижалари инв-1-сонли шакл бўйича акс эттирилади.

Сизнинг вазиятингизда бошқа ташкилот томонидан ёнғиндан сўнг асосий воситалар объектлари қайта тикланиб, таъмирлаш ишлари бажарилган. Бу ишлар қийматида ҚҚС ҳисобга олинган. Таъмирлаш ишларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун асос бўлиб, томонлар имзолаган бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома, ушбу ишни бажарган ташкилот ҳисобварақ-фактураси ҳисобланади.

Ёнғин оқибатида корхонага етказилган зарар бўйича айбдор шахслар аниқланмаган тақдирда, Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.1999 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Харажатлар таркиби тўғрисидаги низомнинг 2.3.15.9-бандига мувофиқ, улар бошқа операцион харажатлар таркибига киритилади.

21-сон БҲМСда пудрат ишларини бажариш бўйича берилган бўнак тўловларини ҳисобга олиш учун 4330-«Бошқа берилган бўнаклар» ҳисобварағи кўзда тутилган. Мазкур ҳисобварақ дебети бўйича берилган бўнаклар пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда, кредити бўйича эса таъминловчи корхоналарга тўлов учун ҳисобга олинган бажарилган ишлар ва хизматларнинг бўнак суммалари 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағи дебети билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Асосий воситаларни таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар қиймати 9430-«Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағи дебети ва 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағи кредитида акс эттирилади.

Т/р	*Хўжалик операцияларининг мазмуни*	*Сумма (сўм)*	*21-сон БҲМС бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси*		*Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар*
			Дебет	*Кредит*	
1.	Олдиндан тўлов суммаси акс эттирилди	144 000	4330	5110	Пудрат шартномаси, банк кўчирмаси
2.	Таъмирлаш ишлари қиймати акс эттирилди	864 000	9430	6010	Ҳисобварақ-фактура
3.	Олдиндан тўловни ҳисобга олиш акс эттирилди	144 000	6010	4330	Ҳисобварақ-фактура
4.	Бажарилган ишлар учун тўлов акс эттирилди	720 000	6010	5110	Банк кўчирмаси

Жавобларни экспертимиз Ғуломжон ТЎЛАГАНОВ тайёрлади.

ОЛОВ – БЕАЁВ ЁВ

ЁКИ БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК

Ёз айни дам олиш, ҳордиқ чиқаришнинг қизғин палласидир. Бу мавсумда болалар ҳам соғломлаштириш оромгоҳларида дам оладилар, янги дўстлар орттириб, таътил кунларини сермазмун ўтказадилар.

Бунинг учун оромгоҳларда ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Амалиётнинг кўрсатишича, оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш чоғида баъзида майда камчиликларга эътибор берилмай қолади. Агар бу «майда камчилик» ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масаласи билан боғлиқ бўлса, уни асло майда муаммо сирасига киритиб бўлмайди. Чунки электр ёки газ тармоқларидаги кичкинагина носозлик ва эътиборсизлик учқун чиқишига олиб келиши, учқун эса катта ёнғинга сабаб бўлиши ҳеч гап эмас.

Айтиш керакки, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ўтказилган текширувлар жараёнида аниқланган камчилик ва нуқсонларни зудлик билан бартараф этиш бўйича дам олиш оромгоҳлари раҳбарларига тегишли тақлифлар киритилган, ҳозирда уларнинг тўлиқ бажарилиши қатъий назоратга олинган.

Бундан ташқари, оромгоҳларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашда тарбиячи ва болалар иштирокида ўтказилаётган давра суҳбатлари, ёнғинга қарши мавзудаги викториналарнинг аҳамияти алоҳида эътиборга сазовордир. Болалар масканларида ёш ўт ўчирувчилар дружиналарини ташкил этиш, улар орасида мусобақалар ўтказиш, ёнғин хавфсизлиги бурчакларини очиш учун оромгоҳларга ёнғин назорати хизматчиларидан вакиллар бириктирилган.

Фарзандларимиз орасида ўтказилаётган бундай тарғибот тадбирлари ёшларга олов билан ўйнашмаслик, олов – беаёв ёв эканлигини яна бир бор эслатмоқда.

Атҳам КЕНЖАЕВ,
Шайхонтоҳур туман ИИБ ЁХБ инспектори, сержант.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ ИСТИҚБОЛЛАРИ

• Тошкентда Қуёш энергияси халқаро институти ташкил этилган...
• Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Муқобил ёқилғи ва энергия корхоналари уюшмаси глобал экологик муаммоларни камайтиришга камарбаста

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида энергетика ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш, муқобил энергия ресурсларини излаш ва жорий этиш бўйича муҳим вазифалар белгиланган.



Пойтахтимизда Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига бағишланган илмий-амалий семинарда ушбу вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли давлат, жамоат тузилмалари, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, миллий ва халқаро экспертлар, ишлаб чиқариш корхоналари мутахассислари ва журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари С.Сангинов, Муқобил ёқилғи ва энергия корхоналари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари А.Алимбоев ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-экологик ислоҳотлар жараёнида табиатга безарар, соф технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва барқарор ривожланишга эришишга устувор аҳамият қаратилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Айни пайтда табиий ресурсларни асраш ва муҳофаза қилиш, энергетика соҳасини ривожлантириш, муқобил ёқилғи манбаларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. «Навоийазот» корхонасида хорижлик ҳамкорлар билан биргаликда қуёш энергияси асосида ишлайдиган қурилмаларни яратишда муҳим восита ҳисобланган кремний ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилмоқда. Тошкентда Қуёш энергияси халқаро институти ташкил этилгани илмий ва амалий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш ва атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

Қуёш ва бошқа қайта тикланувчи табиий энергия манбаларидан барқарор фойдаланиш истеъмолчиларни узлуксиз энергия билан таъминлаш билан бир қаторда глобал экологик муаммоларнинг салбий таъсирларини камайтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда Муқобил ёқилғи ва энергия корхоналари уюшмаси ташкил этилгани бу борада амалга оширилаётган илмий ва амалий ишларни мувофиқлаштириш, ишлаб чиқарувчилар қўллаб-қувватлаш, халқаро алоқаларни кенгайтиришда ўз самараларини бераётир.

Олим ва мутахассисларимиз ҳамкорликда қайта тикланувчи энергия манбаларини марказий тармоқдан узоқда жойлашган аҳолининг энергияга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, инновацион ғояларни амалга татбиқ этиш жараёнини такомиллаштириш бўйича қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда.

ЎзА материали асосида тайёрланди.

Реклама

ЯШАШ УЧУН ВАГОНЧАЛАР
Ҳар хил турдаги вагончаларни ишлаб чиқариш
Маҳсулот сертификатланган



Тел.(+99890) 999-07-06, 253-39-99
E-mail: dmitriy@modul-stroy.uz
H1672
096-12

Эълонлар

СОТИЛАДИ

Совуткич камера 3600 м³. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000)*.
Тел.: 926-32-23, 451-85-00.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, 448-74-69.

Хўжалик судида дебиторлик қарзини ундириш бўйича бепул ёрдам. Шартномаларни визалаш. МЧЖ, ХКларни тезкор рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш*.
Тел.: 449-03-03, 322-37-99.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*.
Тел. 448-74-69.

ХИЗМАТЛАР

Солиқ органига, туман статистика бўлимига, Халқ банкига топшириладиган электрон ҳисоботлар учун дастурларни ўрнатиш, созлаш.
Тел. 963-89-58.

ТАРЖИМАЛАР БЮРОСИ: юридик, техник, тиббиётга оид матнларни таржима қилиш. Тасдиқлатиш. Легаллаштириш.
Тел.: 252-38-71, 454-80-01.

Инвентаризация. Бухгалтерия ҳисоби. Кузатув. Таъсисчилар. Кўчмас мулк. Очиш. Тугатиш.
Тел. 806-28-46; факс 278-11-66.
E-mail: 49koshelev@mail.ru

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.
Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

Картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел.: 127-15-28, 914-67-79.

***Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.**

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
ҲУҚУҚ ҚОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1,
тел. 283-44-57
E-mail: gazeta@norma.uz, normapress@mail.ru
www.norma.uz

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.
Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
«Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга ***фақат «Norma» газеталари бирлашган таҳририяти» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.***

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPRINT" МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 361 Адади 2 780. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2012 йил 23 июлда соат 14.00 да топширилди.
ISSN 2010-5223